



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Собиров Отабек Олимжонович,

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси,

Наманган муҳандислик-технология институти,

Наманган, Ўзбекистон. Email: sobirovotabekbx3@gmail.com

ORCID: 0000-0002-0415-0802

IMPROVEMENT OF MANAGEMENT ACCOUNTING METHODOLOGY IN ECONOMIC ENTITIES

Sobirov Otabek Olimjonovich,

Doctor of philosophy (PhD) in economic sciences, associate professor.

Department of Accounting and Auditing,

Namangan Institute of Engineering and Technology,

Namangan, Uzbekistan. Email: sobirovotabekbx3@gmail.com

ORCID: 0000-0002-0415-0802

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация: Мазкур илмий мақоламиизда хўжалик юритувчи субъектларни молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мунтазам равишда хўжалик жараёнлари устидан назоратни олиб бориши, бошқарувда қарорларни тезкорлик билан қабул қилишининг аҳамияти ва муҳимлиги, шунингдек бошқарув ҳисобини мазмунни ва моҳиятини очиб бернига қаратилган илмий ёндашувлар таҳлиллари, соҳада аниқланган муаммоларга илмий жиҳатдан асосли ечимлар топнига қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиши, шунингдек, мамлакатимизда молиявий ҳисбботларни халқаро стандартлар асосида тузишни ижобий жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Маълумки хўжалик юритувчи субъектларни молиявий-иктисодий ўсии самарадорлиги паст даражада бўлиши фаолиятни ривожлантириш учун жалб қилинадиган хорижий инвесторларнинг

бошқарув ва молиявий ҳисбботларга бўлган ишончини йўқолишига сабаб бўлади. Чунки, самарадорлиги паст бўлган хар қандай ишлаб чиқарни фаолиятига инвестиция маблағларини жалб этиши жуда қийин масалалардан ҳисобланади. Молиявий холатни барқарор бўлмаслиги келажакда стратегик ривожлантириши режсаларини амалга оширишини катта хавф остида қолдиришига сабаб бўлади. Ушибу салбий холатларни олдини олиши чораларини ўз вақтида кўриб бориши жуда муҳим.

Амалиётда аниқланган турли ҳил муаммоларни бартараф этиши мақсадида иқтисодиёти барқарор ва ривожланган давлатлар иқтисодиётига назар солиши ва чуқур тадқиқот ишларини олиб боришини тақазо этади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларни рақобатбардош бўлишини

сабабларидан бири пухта ўйланған холдаги тезкор, стратегик ва тактик қарорлар қабул қилиши ҳисобига молиявий - иқтисодий барқарорлиги тамиланаётгандыгини күзатыш мүмкін.

Хұжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятида самарадорлықка әршишилари учун биргина бошқарув ҳисобини тұғри ташқыл этиши билан чекланмасликлари, бундан ташқары ишлаб чиқараётган маңсулоти таннархини насытириши имкониятларини хам тизимли күриб чиқиши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқған холда, биз бошқарув ҳисобини мақсади, мөхияти ва аҳамияти, вазифалари, бошқарув ҳисобининг ташқыл этиши ва олдига қойылған стратегик мақсадларга әршишишини таъминлаш учун аниқланған муаммолар ечимиға қаратылған тизимли ва аниқ тақлифлар ишлаб чиқшишимиз талаб этилади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқладиган тақлифлар, фикримизча, узоқни ўйланған режсаларни самарали амалға ошириши имкониятини бериші, ишлаб чиқарышда әршишиладиган ютуқларни салмогини ошириши ва күзатилиши мүмкін бўлған зарарларни олдини олишига хизмат қилиши, шунингдек мамлакатимизга инвестиция оқимларини кириб келишини кучайтиришига хизмат қилиши керак.

Abstract: In this scientific article, the analysis of scientific approaches aimed at ensuring the financial stability of economic entities and regularly conducting control over economic processes, the importance and importance of quick decision-making in management, as well as the content and essence of management accounting, to find scientifically reasonable solutions to the problems identified in the

field the development of proposals, as well as the positive aspects of preparing financial statements in our country based on international standards are highlighted.

It is known that the low level of efficiency of financial and economic growth of economic entities causes the loss of confidence in management and financial reports of foreign investors who are involved in the development of activities. Because it is very difficult to attract investment funds to any production activity with low efficiency. Unstable financial situation puts the implementation of strategic development plans in the future at great risk. It is very important to take measures to prevent these negative situations in time.

The economics of solving the problems identified in practice requires looking at the economies of stable and developed countries and conducting in-depth research. The analysis shows that one of the reasons for the competitiveness of economic entities in economically developed countries is that economic stability is ensured due to quick, strategic and tactical decision-making. In order for economic entities to achieve efficiency in their activities, it is necessary not to limit themselves to the correct organization of the management account, but also to systematically consider the possibilities of reducing the cost of the products they produce.

Based on the above, we are required to develop specific proposals aimed at the purpose, essence and importance of the management account, tasks, organization of the management account and the solution of the identified problems to ensure the achievement of the set strategic goals.

The proposals developed by us, in our opinion, should provide an opportunity for the effective implementation of far-

reaching plans, increase the weight of the achievements in production and serve to prevent observable losses, as well as serve to strengthen the influx of investment flows into our country.

Калим сўзлар: Бошқарув ҳисоби, таннарх, даромад, ҳаражат, инвестор, инвестиция, молиявий барқарорлик, ҳалқаро стандартлар, бошқарув қарорлари.

Keywords: Management accounting, cost, income, cost, investor, investment, financial stability, international standards, management decisions.

Кириш. Жаҳон иқтисодиёти жадал суватларда ривожланаётган бир пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ишлаб чиқариш ва унинг маҳсули бўйган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш мамлакатни молиявий қудратини оширишга замин яратади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида самарадорликка эришишининг бош омили сифатида бошқарувда кабул қилинаётган қарорлар бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш хўжалик юритувчи субъектларни олдига қўйган стратегик мақсадларига эришишида муҳим аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектнинг асосий мақсади маҳсулот ишлаб чиқаришда таннархни пасайтириш ва сифатни оширишdir. Бу мақсад турган гапки осон вазифа эмас. Бошқарув ҳисобини ислоҳ қилинишида мамлакатимизда илмий тадқиқот ишларини олиб борган олимларимиз талайгина. Қўйида уларни айримлари билан танишамиз. А.Х.Пардаевнинг “Бошқарув ҳисобини” такомиллаштириши масалаларига бағишлиланган тадқиқоти [3],

Н.Абдусаломованинг “Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш”[4], О.О.Собировнинг “Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари”[5], У.Костаев томонидан “Стратегик бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш”[6] масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, олимларимизнинг олиб борган тадқиқотлари назарий жихатдан чукур ўрганилмаганлиги боиз соҳани тадқиқ этиш муҳим ва долзарбdir.

Маълумки, иқтисодиётда аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалиётда кўллашга хуқуқий асос талаб этилади.Хусусан, мамлакатимизда соҳани ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги РQ-4611-сонли “Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Қарори[1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси қабул қилинди[2]. Мазкур қарорларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш чора тадбирлари белгилаб берилган эди. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва хорижий инвестиция маблағларини юртимизга кенг жалб этиш.

Материал ва метод. Юртимизда бошқарув ҳисобини ривожланишида олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хар бир олимнинг олиб борган тадқиқот натижалари бугунги кунда бошқарув ҳисоби фанини ривожлантиришда муҳим



аҳамият касб этмоқда. Қўйида биз тадқиқот натижаларини олишда самарали бўлган тадқиқот усуллари билан танишамиз: Н.Абдусаломова томонидан “Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш”га бағишлиланган тадқиқот ишида тизимли ёндашув, гурухлаш, таққослама таҳлил, индукция, дедукция, қиёсий таққослаш, кузатув,

назарий ва амалий ўрганиш, монографик кузатиш, статистик таҳлил, омили таҳлил, иқтисодий-математик ҳамда бухгалтерия ҳисоби усулларидан кенг фойдаланилган ва самарали натижаларга эришган. Тадқиқотчи олим У.Костаев томонидан “Стратегик бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш” масалаларига бағишлиланган тадқиқот ишида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, мантикий фикрлаш, таққослаш, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган ва самарали натижаларга эришилган.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиш мумкинки, “Бошқарув ҳисоби”ни такомиллаштиришга қаратилган турли таҳлилларни ўтказиша асосан тизимли ёндашув, гурухлаш, таққослама таҳлил, индукция, дедукция, қиёсий таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, монографик кузатиш, статистик таҳлил, омили таҳлил, иқтисодий-математик ҳамда бухгалтерия ҳисоби усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан бизни олиб бораётган тадқиқотимизни моҳиятини очиб беришда юқоридаги тадқиқот усулларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида бошқарув ҳисобини мақсади ва бошқарув ҳисобининг ўзига муаллифлик ёндашувимизни бериб ўтдик.

Тадқиқотимиз мавзуси доирасида иқтисодчи-олимларнинг, энг аввало, бошқарув ҳисобининг мақсади ва вазифалари бўйича қарашлари ўрганилди ва умумлаштирилди. Таҳлилий ўрганиш ва танқидий ёндошув асосида ишда бошқарув ҳисобининг мақсадини қуидагича ифодалаш таклиф этганмиз: “бизнесни самарали бошқариш учун релевант ахборотни шакллантириш бошқарув ҳисобининг асосий мақсадини ташкил этади”.

Олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз доирасидан келиб чиқиб, тадқиқотимизда бошқарув ҳисобига қуидаги муаллифлик таърифи таклиф этганмиз: бошқарув ҳисоби фаолият мақсадларига ва рақобат афзалликларига эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг бўлимларининг фаолиятини бошқариш мақсадида тактиканый ва стратегик бошқарув қарорларини тизимли тартибда қабул қилиш мақсадида зарур бўлган тезкор маълумотларни тўплаш, ўлчаш, тизимга солиш, таҳлил этиш ва узатишни таъминловчи ахборот тизимини ташкил этади.

Натижалар. Биз томонимиздан олиб борган тадқиқотларимиз давомида бошқарув ҳисобини мазмун моҳиятини очиб беришга қаратилган, ундаги муаммоларни хал этишда тизимли ишларни амалга оширган олимларни илмий ишларини ўргандик ва тахлил қилдик ва қуидагича натижаларга эришдик:

1. Бошқарув ҳисобига берилган муаллифлик ёндашуви: бошқарув ҳисоби фаолият мақсадларига ва рақобат афзалликларига эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг бўлимлари фаолиятини бошқариш мақсадида тактиканый ва стратегик бошқарув қарорларини тизимли тартибда

қабул қилиш учун зарур бўлган тезкор маълумотларни тўплаш, ўлчаш, тизимга солиш, таҳлил этиши ва узатишни таъминловчи ахборот тизимини ташкил этади. Ўйлашимизча, ушбу ёндашувимиз бошқарув ҳисобини моҳиятини янада кенгроқ ёритиб беришда муҳим аҳамия касб этади.

2. Тадқиқот натижаларига асосланниб фаолият турлари ва мулк шаклидан қатый назар барча хўжалик юритувчи субъектларда масъулият марказларининг қуйидаги 4 та тури амал қилиши кўрсатиб берилди (1-расм):

1. Харажат маркази;
2. Даромад маркази;

3. Фойда маркази;

4. Инвестиция маркази.

Юқоридагилар натижаси сифатида тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган, менежерларга берилган ваколатлар доирасида харажатларга ва даромадларга таъсир этиш имконияти шароитидан келиб чиқиб, масъулият марказларига қуидагича муаллифлик ёндошуви шакллантирилган: Масъулият маркази - хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир алоҳида олинган бўғинларининг фаолият натижаси бўйича шахсий манфаатларини, шунингдек масъулиятлари ва жавобгарлигини белгилаб бериш тушунилади тушунилади (1-расм).



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда масъулият марказларининг ўзаро боғлиқлиги хамда таъсири тизими¹.

¹ Тадқиқотлар натижасига асосан муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот ишида ана шу масъулият марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг замонавий шароитларида эътиборга олиниши зарур бўлган тўққизта (уларга: мавжудларга таяниш, мувофиқлаштириш, мустақиллик бериш, аниқлилик ва тегишлилик, ташкил қилиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш, масъулият, тизимлилик, мувофиқлик) тамойиллари таклиф этилган.

3. Тадқиқотимиз натижаларидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу борадаги мавжуд бошқа илмий мактабларнинг намоёндаларининг талқинларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатадики, атамалар моҳиятини аниқлаш олимлар томонидан фақат муаммони кўтариш учун ўтказилган, деб ҳисоблаймиз.

Харажатларни фойдаланишнинг устувор мақсади бўйича гурухларини ажратиш қаттиқ амалга оширилмайди. Харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармасга бўлиш нафақат бошқарув қарорлари учун муҳим, балки «директ-костинг» тизимида таннархни калькуляция қилиш учун ҳам ишлатилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ташки муҳитининг диаметрал алмашинувида, рақобат афзалликларини сақлаб қолишга ургу бериш лозим, деган холосага келинган. Бошқарув ҳисоби методологиясининг бошқарув томонидан кўйилган мақсадга бевосита боғлиқлигини асосий қоида сифатида қабул қилиш керак, деб эътироф этилган.

Мунозара. Биз қуйида хорижий ва махаллий олимларимизнинг мавжуд ёндашувларини солиштирма таҳлилини келтириб ўтмоқчимиз.

Хорижий тадқиқотчи олим М.А.Вахрушина “Бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъект бошқаруви мақсадларига мўлжалланган бўлишлиги,

фақат тезкор қарорларни тайёрлашга йўналтирилганлик” кабиларни ўз ичига олиши баён этилган[7]. Бошқа бир тадқиқотчи олимлар Н.П.Кондрakov ва М.А.Ивановаларни ишларида “Моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг миқдорини ва ҳаракатини ҳисобга олиш ва улар бўйича бошқарувчиларга ахборот бериш; маълум кўрсаткичлар ҳисобкитоби ва бошқаларни амалга ошириш имконини бериши” каби вазифаларни келтирадилар[8]. Мазкур ёндашувлар бошқарув ҳисоби мазмун ва моҳиятини очиб беришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Лекин, фикримизча бугунги жадал ривожланаётган иқтисодиётда бошқарув ҳисоби стратегик мақсадларни кўзлаган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун биз бошқарув ҳисобини мақсад ва вазифалари доирасидан келиб чиқиб юкорида такидлаганимиздек, бошқарув ҳисобига қўйидагича муаллифлик таърифи таклиф этмоқдамиз: бошқарув ҳисоби фаолият мақсадларига ва рақобат афзалликларига эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг бўлимлари фаолиятини бошқариш мақсадида тактикавий ва стратегик бошқарув қарорларини тизимли тартибда қабул қилиш учун зарур бўлган тезкор маълумотларни тўплаш, ўлчаш, тизимга солиш, таҳлил этиш ва узатишни таъминловчи ахборот тизимини ташкил этади. Бизнинг ёндашувимиз бошқарув ҳисобини моҳиятини янада кенгрок ёритиб беришга хизмат қилади.

Мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу борадаги мавжуд бошқа илмий мактаблар оларининг талқинларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, соҳада олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар фаннинг фақат маълум бир қирраларидағи мавжуд муаммоларни кўтариш учун ўтказилган.

Бугунги кунда ҳам шундай муаммоларни тадқиқ этилмоқда.

Хулоса. Бизнинг соҳадаги олиб борган изланишларимиз, хорижий ҳамда махаллий тадқиқотчи олимларимизнинг ўзига хос ёндашувларининг таҳлили натижасидаги фикрларимизни умумлаштирган ҳолда бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш ва уни моҳиятини очиб бериш борасида қўйидагича хулосаларга келдик:

1.Харажатларни моҳиятини ташкил қилиш мақсадида харажатларни классификация қилишда эътиборни учта мезонга қаратишни таклиф этамиз:

- хўжалик юритувчи субъект фойдасига ўтказиш даврига қараб;
- ишлаб чиқариш ҳажмига қараб (ўзгарувчан; ўзгармас);
- таннархга киритилиш усулига қараб (бевосита; билвосита).

2.Тадқиқотимиз давомида мавжуд муаммоларни таҳлилини олиб бордик. Бироқ, айни вақтда бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш мақсадида «сарфлар», «чиқимлар», «харажатлар» атамалари синонимлар сифатида қўлланилиши бўйича мавжуд муаммога аниқ бир ечим топилмади. Шунинг учун хозирча ушбу атамаларни синоним сўзлар сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ ушбу атамалар моҳиятига каратилган тадқиқтларимиз давом этади.

3. Тахлилий ўрганиш ва танқидий ёндошув асосида ишимизда бошқарув

ҳисобининг мақсадини қўйидагича ифодалаш таклиф этилди: “бизнесни самарали бошқариш учун релевант ахборотни шакллантириш бошқарув ҳисобининг асосий мақсадини ташкил этади. Бу ёндашув бошқарув ҳисобини моҳиятан тушунган ҳолда ташкил этишга хизмат килади.

4.Бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш ва юритиш мақсадида харажатлар классификациясини иккита тоифавий белги бўйича амалга оширишни тавсия қилдик: Биринчидан, фойдаланишнинг устувор мақсади бўйича; ҳамда иккинчидан, харажатлар категорияси бўйича.

5. Мақсад ва вазифаларимизнинг доирасидан келиб чиқиб, бошқарув ҳисобининг қўйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилган: “бошқарув ҳисоби фаолият мақсадларига ва рақобат афзалликларига эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг бўлимлари фаолиятини бошқариш мақсадида тактикавий ва стратегик бошқарув қарорларини тизимли тартибда қабул қилиш учун зарур бўлган тезкор маълумотларни тўплаш, ўлчаш, тизимга солиш, таҳлил этиш ва узатишни таъминловчи ахборот тизими”ни ташкил этади. Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисобининг мазмун - моҳиятига тўғри баҳо беришда айнан мазкур ёндашув аҳамияти юқоридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagи PQ-4611-sonli “Moliyaviy xisobotlarning xalqaro standartlariga o`tish bo`yicha qo`shimcha chora-tadbirlar to`g`risida”gi qarori. Toshkent. 2020.



2.O`zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo`ljallangan O`zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo`yicha Taraqqiyot strategiyasi to`g`risida”gi Farmoni.2021 yil.

3.Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshgaruv hisobi: Darslik /A.X. Pardayev, Z.A. Pardayeva. - T.: ”Iqtisod-Moliya”, 2019. -556 b.

4.Abdusalomova N.B “Boshqaruv hisobi tizimida ichki nazorat va byudjetlashtirish uslubiyotini takomillashtirish” mavzusida tayyorlangan Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) doktorlik dissertatsiya ishi avtoreferati - TMI,Toshkent.2019 yil.

5.Sobirov O.O. Xo`jalik yurituvchi sub`ektlarda boshqaruv hisobni takomillashtirish. – mavzusida tayyorlangan Iqtisodiyot fanlari bo`yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya ishi avtoreferati.Toshkent.TMI. 2022 yil.

6.Kostayev U. “Strategik boshqaruv hisobi metodologiyasini takomillashtirish” mavzusida tayyorlangan Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiya ishi avtoreferati. Toshkent.TMI. 2020 yil.

7.Vaxrushina M.A. Buxgalterskiy upravlencheskiy uchyon. -M.:Finstatinform,1999- 359s

8.Kondrakov N.P., Ivanova M.A. Buxgalterskiy upravlencheskiy uchyon. - M.: INFRA-M, 2003.- 368s.

9.Sobirov Otobek Olimjonovich. The Cost Of Forming A Management Account In Business Entities. Journal of Pharmaceutical Negative Results. DOI: 10.47750/pnr. 2022. 13.S07-537. 4295 – 4298. <https://www.scopus.com/sourceid/21100216519>

10.Accounting, Economics and Law, Walter de Gruyter GmbH, Germaniya, 2020. <https://scopus.com/sourceid/21100843497>

11.<https://www.lex.uz>.

12.<https://www.stat.uz>

13.<https://www.tfi.uz>.

14.<https://www.interfinance.uz>